

1/2023,
yanvar-
fevral
(№ 00063)



БЮДЖЕТ ИНТИЗОМИНИ МУСТАҲКАМЛАШНИНГ ЗАРУРЛИГИ ВА УНИ ХАРАКТЕРЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Турабов Баходир Тўхтамишович

Давлат бошқарув академияси мустақил тадқиқотчиси. Тошкент, Узбекистон. b.t.turabov@gmail.com

ORCID: 0000-0001-5537-2678

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol11_iss1/a10

Аннотация

Мақолада бюджет интизомини мустаҳкамлашнинг зарурлиги ва уни характерловчи кўрсаткичлари таҳлили амалга оширилган. “Бюджет интизоми” тушунчасининг иқтисодий моҳияти хорижий тадқиқотлар асосида ўрганилди, бюджет интизоми бўйича мамлакатимизда амалга ошириш керак ишлар бўйича тадқиқот олиб борилди ҳамда хулосалар шакллантирилди.

Калит сўзлар: бюджет, бюджет интизоми, фискал интизом, молиявий назорат, ички назорат, даромад, харажат.

НЕОБХОДИМОСТЬ УКРЕПЛЕНИЯ БЮДЖЕТНОЙ ДИСЦИПЛИНЫ И ЕЕ ХАРАКТЕРНЫЕ ПОКАЗАТЕЛИ

Турабов Баходир Тохтамишович

Научный сотрудник Академии государственного управления. Ташкент, Узбекистан.

Аннотация

В статье анализируется необходимость укрепления бюджетной дисциплины и ее характерные показатели. На основе зарубежных исследований изучена экономическая сущность понятия «бюджетная дисциплина», проведено изучение работ, которые предстоит провести в нашей стране по бюджетной дисциплине, сделаны выводы.

Ключевые слова: бюджет, бюджетная дисциплина, бюджетная дисциплина, финансовый контроль, внутренний контроль, доходы, расходы.

THE NECESSITY OF STRENGTHENING THE BUDGET DISCIPLINE AND ITS CHARACTERISTIC INDICATORS

Turabov Bakhodir Tokhtamishovich

Researcher of the Academy of Public Administration.

Abstract

The article analyzes the necessity of strengthening budget discipline and its characteristic indicators. The economic essence of the concept of "budget discipline" was studied on the basis of foreign studies, a study was conducted on the work to be done in our country on budget discipline, and conclusions were drawn.

Key words: budget, budget discipline, fiscal discipline, financial control, internal control, income, cost.

Кириш

Давлат томонидан иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни тартибга солишининг бозор иқтисодиёти талабларига мос келадиган воситалари, молия, кредит, солиқ ва валюта сиёсатидир. Давлат ўз вазифаларини бажариш жараёнида бир қатор харажатлар қилиши зарур. Бу харажатлар, энг аввало, мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш учун турли тармоқларга инвестиция йўналтириш, аҳолининг турмуш даражасини кўтаришга мўлжалланган ижтимоий вазифаларни бажариш, давлатни бошқариш, мудофаани таъминлаш каби аниқ, мақсадларга қаратилган, режалаштирилган харажатлардан иборат бўлади. Бу умумдавлат харажатлари эса, ўз навбатида, Давлат бюджети орқали молиялаштирилади. Ҳақиқатдан ҳам, давлатнинг ўз вазифаларини бажаришига, ўз иқтисодий ва ижтимоий сиёсатини амалга оширишига имкон берадиган қурол ёки дастакларнинг энг асосийси давлат бюджетидир.

Давлат бюджети пул ресурсларининг марказлаштирилган жамғармаси (фонди) бўлиб, мамлакат ҳукумати давлат аппарати, қуролли кучларни тутиб туриш, шунингдек иқтисодий функцияларни бажариш учун уни тасарруф этади. Ҳозирги шарт-шароитда бюджет давлатнинг иқтисодиётни тартибга солиш, хўжалик фаолиятига таъсир кўрсатиш, шунингдек кризисга қарши чора-тадбирларни амалга оширишнинг қудратли воситаси ҳамдир. Ҳозирги давлат бюджети унинг бутун хилма-хил функцияларини акс эттирадиган мураккаб, кўп кўринишли ҳужжат ҳисобланади. Аввало, бюджетда давлат харажатлари ва даромадлари тартиби ўз аксини топади. Харажатлар бюджет маблағларининг сарфланиш йўналишлари ва мақсадларини кўрсатади.

Бюджетлаштириш жараёнида харажат моддаларининг аҳамияти жуда муҳим, чунки уларнинг қанчалик мақсадга мувофиқлиги мазкур давлат солиқ тўловчилари зиммасига юклатиладиган солиқ юкига боғлиқ бўлади. Бундан шу нарса равшанки, мазкур аниқ даврда амал қиладиган солиқлар тизими (солиқ миқдори, уларни ставкалари, солиқ солинадиган база) давлат бюджетда харажатларнинг қандай моддалари кўзда тутилганига ва уларни қоплаш учун қанча миқдорда маблағлар зарурлигига тўла равишда боғлиқдир.

Иқтисодиётни ишлаб чиқариш секторлари фаолияти учун энг қулай шарт-шароитларини яратиш билан боғлиқ харажатлар давлат харажатларининг энг муҳим моддалари қаторига киради. Ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этишга доир, биринчи навбатда таълим ва соғлиқни сақлаш харажатлари ҳам борган сари кўпроқ ўрин эгалламоқда.

Маҳаллий бюджетлар давлат молия тизимининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Уларнинг харажатлари ҳисобига биринчи навбатда коммунал мулк объектлари, йўллар, мактаблар қурилиши, алоқа воситаларини ривожлантириш, шунингдек, уй-жой қурилиши маблағ билан таъминланади. Маҳаллий ҳокимият органлари бюджетидан маҳаллий маъмурий ва бошқа бюджет муассасаларини сақлаб туриш учун ҳам фойдаланилади. Маҳаллий бюджетлар харажатларида ижтимоий маданий эҳтиёжлар, соғлиқни сақлаш объектларига доир, иқтисодий мувозанатни қўллаб туриш харажатлари ҳам муҳим ўрин тутаяди.

Бюджет тўғрисида ўзимизнинг маълум бир позициямизга эга бўлганимиздан сўнг энди бюджет интизоми хусусида маълум бир тасаввурларни шакллантиришимиз

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Шу муносабат билан, дастлаб, “бюджет интизоми” тушунчасининг (иборасининг) мазмун-моҳиятини¹ белгилашда ниманинг бирламчи роль ўйнаши мумкин эканлигини аниқлаб олишимиз керак.

Бюджет интизоми - бу барча корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар учун мажбурий бўлган бюджетга тўловларни ўтказиш ва бюджет маблағларини сарфлаш тартиби[1].

Бузилган фискал натижаларни тўғрилашда бюджет қоидалари қанчалик самарали эканлиги адабиётда ҳали ҳам очиқ савол бўлиб қолмоқда. Ҳақиқатан ҳам, улар асосий мақсадга эриша олмаслиги мумкин, чунки улар “ижодий ҳисоб” чораларини ёки сайлов мақсадларида оппортунистик (ўз манфаатлари йўлида) фискал сиёсат қарорларини рағбатлантириши мумкин [2].

Б.Дафлон ўз тадқиқотида бюджет интизоми ва молиявий интизом ўртасидаги тафовутни очишга ҳаракат қилган. “Молиявий интизомнинг моҳияти марказий ҳукуматнинг молиявий фаолиятига боғлиқ бўлиб, у ўз-ўзидан бюджет интизомидан фарқ қилади, чунки иккала атама ҳам бир хил нарсани англатиш учун нотўғри талқин қилинган, чунки иккинчиси биринчисининг бир қисмидир. Бюджет интизоми қоидаларни ҳам, санкцияларни ҳам кўриб чиқади, бу эса кейинчалик мувозанатлаштирилган бюджет қоидаларини, тақчиллик чегарасини, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида қўйиладиган талабларни, бюджетни маъмурий назорат қилиш воситаларини ўз ичига олади” [3].

Й.Хоу ва К.Виллоубгий эса “фискал интизом бюджет интизомини барча давлат операцияларини таъминлаш учун режалаштириш, мувозанатлаш ва ижро этиш билан боғлиқ фаолиятни ўз ичига олади” деб ҳисоблайди [4].

В.С.Инянг тадқиқотларида ички назорат ва бюджет интизоми ўртасидаги ижобий муносабатларнинг далилларини беради [5].

Б.Ригауд фикрича, яхши бошқарув ва бюджет интизоми [6] ва Н.А.Нунуй бухгалтерия маълумотлари сифати билан бюджет интизоми ўртасидаги ижобий боғлиқликни аниқлади [7]. Албатта, ички назорат қанчалик ижобий бўлса, самарали бошқарув ва бухгалтерия ҳисоби маълумотларининг сифати бюджет интизомини яхшилашга ижобий таъсир кўрсатади.

Хайдаров М.Т. ўз тадқиқоларида давлат бюджети бажарилишидаги томонлар мажбуриятларини бажаришларида Бюджет интизомининг қуйидаги тамойилларига риоя қилишлари мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди:

- қонун устуворлигининг таъминланиши;
- бюджет жараёни босқичларининг ўз вақтида бажарилиши;
- бюджет ваколатлари ва мажбуриятларининг мутаносиблиги;
- критерийлар аниқлиги (баҳоланувчанлиги) [8].

Шундай қилиб, юқорида келтирилган мулоҳазаларга асосланган ҳолда, бизнинг фикримизча, бюджет интизомининг маъно-мазмۇни ёки моҳиятини ифодаладиган қуйидагича таъриф бериш мумкин: **Бюджет интизоми** - *бюджет тизими ва бюджет жараёнларида вужудга келадиган, барча босқичларда қонун, бюджет тизимининг асосий тамойиллари, бюджет тизими тўғрисидаги қонунлар ва меъёрий*

хужжатлар, йўриқнома ҳамда тартиблар талабларига амал қилинишининг бюджет назорати орқали ифодаланишига айтилади.

Таҳлил ва натижалар

Бюджет интизомининг олдида қўйилган мақсадларни аниқлаш, бизнинг назаримизда, алоҳида аҳамият касб этади. Тегишли таҳлил ишларини амалга ошириш ва уларнинг натижаларини умумлаштирган ҳолда бюджет интизомининг олдида қўйидаги мақсадларга эришишнинг қўйилганлигини аниқлашимиз мумкин:

1. Бюджет маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланишда уларнинг мақсадлилигини таъминлаш;

2. Бюджет маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланишда уларнинг самарадорлигига эришиш;

3. Бюджет маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланишда уларнинг тартиблилигини таъминлаш;

4. Бюджет маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланишда уларнинг қонунийлигига эришиш.

Бюджет интизомининг олдида қўйилган ана шу мақсадларга эришиш амалиётда қандай содир бўлаётганлигини аниқлаш (гарчи бизнинг ҳозирги шароитимизда бу нарсани аниқлаш унча кўп бўлган ақлни талаб этмас-да) орқали уни мустаҳкамлашнинг зарурлиги ёки зарур эмаслиги тўғрисида тегишли хулосалар чиқариш мумкин. Муаммога ана шу тарзда ёндошиб, тегишли таҳлил ишларини амалга ошириш натижасида ҳозирги бизнинг шароитимизда бюджет интизомининг олдида конкрет ёки аниқ мақсадлар қўйилган (белгиланган) бўлишига қарамасдан бюджет интизомига риоя этиш даражасининг, маълум даражада, паст эканлигини аниқлашимиз мумкин. Тегишли субъектларнинг (бюджетдан молиялаштириладиган муассасалар бу ерда марказий ўринни эгаллайди) фаолиятида бюджет интизомига риоя этишнинг юқоридаги мақсадларига тўлиқ эришилаётмаганлиги ана шундай хулоса чиқарилишига асос бўлади.

Республикамиздаги ҳақиқий вазиятга холисона баҳо бериб, бюджет маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланишда уларнинг мақсадлилиги тўлиқ таъминланаяпти, самарадорлигига эришилаяпти, тартиблилигига тўлиқ риоя қилинаяпти ва уларнинг қонунийлигига тўлиқ эришилаяпти, деган фикрни билдириш ўзининг асосига эга эмас. Албатта, бу жойда кейинги йилларда республикамизнинг тегишли органлари (Молия вазирлиги, Ҳисоб палатаси, Давлат солиқ қўмитаси ва бошқа тегишли мутассадди ташкилотлар) томонидан бюджет интизомини мустаҳкамлаш борасида кескин ишларнинг амалга оширилганлигини ҳам холисона эътироф этишимиз керак. Бу соҳада, айниқса, кейинги йилларда Ҳисоб палатаси ва Молия вазирлигининг фаолияти, айниқса, диққатга сазовордир. Лекин, шундай бўлишига қарамасдан, ҳамон амалиётда содир бўлаётган фактлар бюджет интизомига риоя этишнинг янада юқори пафонага кўтаришнинг зарур эканлигини кўрсатмоқда.

Бизнинг фикримизча, ҳозирги шароитда ва яқин келажакда бюджет интизомини мустаҳкамлашнинг зарурлиги қўйидаги икки йўналишнинг мавжудлиги билан характерланади:

1. Бюджет маблағларини шакллантиришда уларнинг мақсадлилиги, самарадорлиги, тартиблилиги ва қонунийлигини таъминлаш;

2. Бюджет харажатларидан фойдаланишда уларнинг мақсадлилиги, самарадорлиги, тартиблилиги ва қонунийлигини таъминлаш;

Кўриниб турибдики, мамлакатимизда бюджет интизомини мустаҳкамлашнинг зарурлиги, бир томондан, бюджет даромадларини (маблағларини) шакллантириш масалалари билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан эса, худди шу нарсани бюджет харажатларидан фойдаланиш ҳам тақозо этади.

Шундай бўлишига қарамасдан, афсуски, айрим иқтисодчи-олимлар ва амалиётчи мутахассислар орасида бюджет интизомини мустаҳкамлашнинг зарурлиги фақат бюджет харажатларидан фойдаланиш масалаларига тегишли бўлиши керак, деган фикрни тасдиқловчилар ҳам йўқ эмас. Бизнинг назаримизда, бундай фикрлар масаланинг (бюджет интизомини мустаҳкамлашнинг зарурлиги) моҳиятига нисбатан бир томонлама ёндошувнинг натижаси бўлиб, уларни етарли даражада асосланган деб бўлмайди. Бир вақтнинг ўзида, бу жойда бюджетнинг яхлитлилиги, унинг бир-биридан ажратиб бўлмайдиган икки қисмдан (даромадлар ва харажатлар) иборат эканлиги, уларнинг бирисиз иккинчисини ва иккинчисисиз биринчисини тававвур этишнинг иложи йўқ эканлиги ҳам эсдан чиқмаслиги керак.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, ҳозирги бизнинг шароитимизда бюджет интизомини мустаҳкамлашнинг зарурлиги бюджет маблағларини шакллантириш масалаларига дахлдорлиги билан белгиланишининг асосий сабаби бу муаммонинг ҳамон оқилона ҳал этилмаётганлиги ва унинг ўта мураккаблиги билан белгиланади. Чунки бюджет маблағларини шакллантириш жараёни бюджет ва хўжалик юритувчи субъектларнинг манфаатларига бирдек мос келмаяпти, бу масалада манфаатлар муштараклигига эришилмаяпти. Бунинг натижасида, бир томондан, хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига салбий таъсир кўрсатилаётган бўлса, иккинчи томондан, бюджет даромадларини (маблағларини) шакллантиришда жиддий муаммоларга дуч келинаяпти. Уларни ҳал этишни эса бюджет интизомига, унинг мақсадларидан келиб чиқиб, риоя этишнинг зарурлигисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Албатта, тадқиқот ишимиз фақат бюджетдан молиялаштирилаётган муассасаларда бюджет интизомини мустаҳкамлаш масалаларига бағишланганлиги учун масаланинг биринчи йўналишига катта эътибор беришимиз унчалик мақсадга мувофиқ эмасдир. Лекин шундай бўлишига қарамасдан, шу ўринда мамлакатимизда бюджет интизомини мустаҳкамлашнинг зарурлиги бюджет маблағларини шакллантириш масаласининг бозор иқтисодиёти ва бугунги куннинг ҳамда яқин келажакнинг талабларига тўлиқ жавоб бераолмаётганлиги билан белгиланади, деб қайд этиб ўтиш билан чегараланамиз, холос.

Шунинг учун ҳам илмий тадқиқотимиз мавзусидан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда бюджет интизомини мустаҳкамлашнинг объектив зарурлиги бюджет маблағларидан фойдаланишнинг ҳозирги аҳволи билан белгиланади, дейишга асослар етарлидир. Ижтимоий соҳа, иқтисодиёт тармоқлари, марказлаштирилган инвестициялар, ҳокимият ва бошқарув органлари, мамлакат мудофаа қудрати ва бошқа харажатларни молиялаштириш билан боғлиқ бўлган ҳақиқий вазият, биринчи навбатда, бюджет интизомини мустаҳкамлашнинг зарурлигини тақозо этади.

Шунингдек, кейинги йилларда мамлакатимиз бюджети учун тақчилликнинг хос эканлиги, маориф, соғлиқни сақлаш, фан, маданият, санъат, оммавий ахборот воситалари, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, аҳоли учун ижтимоий

аҳамият касб этган товарлар баҳоси ўртасидаги фарқларни қоплаш амалиётида бюджет маблағларидан фойдаланишда, аксарият ҳолларда, улардан мақсадсиз, етарли даражада самарали бўлмаган ҳолда, ноқонуний ва тартибсиз ҳамда ноқилона фойдаланилиши ҳолатларига узлуксиз равишда йўл қўйилаётганлиги ҳам бюджет интизомига риоя этишнинг кучайтирилиши кераклигидан далолат беради.

Бир вақтнинг ўзида, мавжуд бюджет маблағларининг чекланганлик характерга эга эканлиги, уларнинг ҳар сўмини тежаб-тергаб, иқтисод қилиб ва юқори самара олишни кўзда тутиб сарфлашни талаб этадики, бу вазифани муваффақиятли бажаришни бюджет интизомига риоя этишни кучайтирмасдан тасаввур этиш мумкин эмас.

Ҳозирги шароитда бюджет интизоми ва унга риоя этишнинг аҳамияти тўғрисида, қисқача тарзда, тўхталиб ўтишимиз керак. Хусусан, ҳозирги шароитда бюджет интизоми ва унга риоя этишнинг аҳамияти, қўйидагилар орқали намоён бўлади:

- бюджет интизомига тўлиқ риоя этилиши бюджет маблағларининг мақсадли, самарали, тартибли ва қонуний равишда сарфланишини таъминлайди;
- унга эришиш бюджет маблағларидан фойдаланишга нисбатан муносабатларни тубдан ўзгартириб юборади;
- бюджет интизоми ҳозирги шароитда кам харажат қилиб максимал самарага эришишнинг воситаларидан биридир;
- бозор муносабатларини шакллантириш ва янада ривожлантиришда бюджет интизомига риоя этишнинг таъминланиши муҳим роль ўйнайди ва у бу жараёнларнинг қарор топишини тезлаштириши мумкин.

Ҳозирги кунда бюджет интизоми мустаҳкамлашнинг аҳамиятлилиги барча бюджет жараёнларида ислохотлар олиб боришга эҳтиёжлар туғдирмоқда. Бу иқтисодий ислохотлар:

- бюджет маблағларидан тежаб, самарали ва аниқ фойдаланиш ҳамда бюджет интизоми мустаҳкамлаш учун бюджет ташкилотлари раҳбарларининг мустақиллигини кенгайтириш ва масъулиятини ошириш;
- бюджетдан маблағ олувчи ташкилотларни маблағ билан таъминлаш механизмини соддалаштириш ва бюджет маблағларидан фойдаланишда юқори натижаларга эришиш мақсадида мавжуд маблағларни оқилона тақсимлаш учун шарт-шароитлар яратиш;
- бюджет ташкилотлари ходимлари меҳнатини рағбатлантириш, улар фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва кадрларнинг ўрнашиб қолиши учун шарт-шароитлар яратишлар орқали олиб борилмоқда.

Бюджет интизоми мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ислохотларнинг қайд этилган ана шу 3 йўналиши ҳам унинг аҳамиятли эканлигидан дарак беради.

Бюджет интизомининг мазмун-моҳиятини очиб беришда уни характерловчи кўрсаткичлар муҳим роль ўйнайди. Ўз навбатида, бу кўрсаткичлар бюджет назорати жараёнида майдонга чиқади. Ҳақиқатдан ҳам, мамлакатда бюджет интизоми аҳолининг қандайлигини маълум бир кўрсаткичлар тизимисиз аниқлашнинг иложи йўқ.

Умумий ҳолда эса, бюджет тизими ва бюджет жараёнларида мақсадлилиқ, самарадорлик, тартиблилик, қонунийликнинг таъминланишига эришиш зарурлиги

этиборга олинадиган бўлса, бунда бюджет интизоми ва унинг назоратида фойдаланилиши мумкин бўлган кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этиши, табиийдир. Ана шу мақсадда тадқиқотимизда ана шундай кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқишга алоҳида этибор қаратилди. Амалга оширилган тадқиқот натижалари асосида бюджет интизоми ва бюджет назоратида фойдаланилиши мумкин бўлган кўрсаткичлар тизимининг умумий шакли ягона бир шаклга келтирилди (1-расмга қаранг).



1-расм. Бюджет интизоми ва назорати кўрсаткичлари тизими

Умумлаштирилган ҳолда ишлаб чиқилган расмдан кўриниб турибдики, бюджет интизоми ва унинг назоратини характерлайдиган кўрсаткичлар тизими қуйидаги 4 блокни ўз ичига олувчи кўрсаткичлардан иборат бўлиши мумкин:

1. Бюджет интизоми ва назоратининг таркибий тuzилишини (структурасини) характерлайдиган кўрсаткичлар;
2. Бюджет интизоми ва назоратининг механизмини ифодаловчи кўрсаткичлар;
3. Бюджет интизоми ва назорати жараёнини характерловчи кўрсаткичлар;
4. Бюджет интизоми ва назоратининг амалга ошириш тизимини ифодаловчи кўрсаткичлар.

Бюджет интизоми ва назоратининг ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичларнинг барчасини кўриб чиқиш вазифа қилиб қўйилмаганлиги учун ва тадқиқотнинг мақсадини ҳисобга олган ҳолда биз ўзимизнинг диққат-этиборимизни фақат бюджет интизоми ва назорати жараёнини характерловчи кўрсаткичларни аниқлашга қаратиш билан чекланамиз.

Шу муносабат билан қайд этиш лозимки, бизнинг назаримизда, бу вазифани бюджет жараёнининг барча босқичлари, бюджет жараёнида вужудга келаётган муаммолар, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси ва унинг ҳудудий органлари томонидан бюджет интизомига риоя қилиниши устидан доимий назоратни амалга ошириш учун унинг олдида қўйилган асосий вазифалардан келиб чиққан ҳолда бюджет интизомини характерловчи асосий кўрсаткичларни белгилаб олиш орқали бажариш мақсадга мувофиқдир. Ана шулар ҳисобга олинадиган бўлса, бизнинг фикримизча, бюджет интизомининг аҳволини характерлайдиган кўрсаткичлар тизими қаторига қўйидагиларни киритишимиз мумкин:

1. Республика ва маҳаллий бюджетларнинг қатъий бажарилиши устидан доимий назоратни таъминлашга оид кўрсаткичлар;

Бу тоифага кирувчи кўрсаткичлар мамлакат ёки унинг алоҳида олинган ҳудудлари миқёсида бюджет интизомининг умумий аҳволига баҳо беради. Улар, бир томондан, тегишли бюджетлар даромадларининг шаклланиш жараёнларини ўзида ифода этса, иккинчи томондан, бюджет харажатларининг сарфланиш жараёнларини ўзида умумлаштирилган шаклда акс эттиради. Бу кўрсаткичларнинг даражаси мамлакат ёки унинг алоҳида олинган ҳудудлари миқёсида бюджет интизомининг аҳволига умумий баҳо бериш қобилиятига эга бўлса-да, унинг ички аҳволига, уларнинг келиб чиқиш сабабларига (элементларига) баҳо бериш (аниқлаш) имконига эга эмасдир.

2. Молия органлари, бюджет муассасалари ва тижорат банкларининг биринчи навбатдаги сарф-харажатлар навбатига, маблағ билан таъминлаш ҳамда бюджет муассасалари ходимларига иш ҳақи, ижтимоий нафақалар, стипендияларни тўлаш муддатларига ва тўлиқчилигига риоя қилиш, бюджет муассасаларига кўрсатиб ўтилган мақсадлар учун нақд пул бериш бўйича фаолияти устидан назорат ва мониторингни амалга оширишга доир кўрсаткичлар.

3. Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб Жамғармаси маблағларидан белгиланган мақсадда фойдаланишни, тўловларнинг ўз вақтида ўтишини, ҳисоб-китобларнинг тўлиқ ва ўз вақтида амалга оширилишини назорат қилишни ифодаловчи кўрсаткичлар;

Бюджет интизомини характерловчи кўрсаткичлар орасида бу кўрсаткичлар ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, таҳлил натижаларининг кўрсатишича, мамлакатимизда уларнинг эрилишига ҳам кейинги йилларда жиддий эътибор берилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 31 декабрдаги “Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб Жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-2165-сонли Фармонига асосан ушбу Жамғарма ташкил этилди ва бу Фармонга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 11 июндаги ПФ-2874-сонли, 2005 йил 20 майдаги ПФ-3610-сон Фармони, 2009 йил 25 майдаги ПФ-4114-сон Фармони, 2016 йил 28 мартдаги ПФ-4786-сон Фармони, 2016 йил 2 ноябрдаги ПФ-4854-сон Фармони ва 2016 йил 15 ноябрдаги ПФ-4856-сон Фармонлари билан баъзи бир ўзгартиришлар киритилди.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-5095-

сонли Фармони қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 31 декабрдаги "Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб Жамғармасини ташкил этиш тўғрисида"ги ПФ-2165-сонли Фармони ўз кучини йўқотган.

Уларга асосан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси ичида Жамғармалар маблағларидан фойдаланилишини назорат қилиш бўйича тегишли бўлимлар ташкил этилди. Жамғарма маблағларини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, банклар ва Жамғармага алоқаси бўлган ташкилотлар зиммасига юклатилди.

4. Штат-смета интизомига ва бюджет маблағларини хўжалик эҳтиёжларига сарфлаш лимитларига риоя қилиши устидан назорат олиб боришга оид кўрсаткичлар;

Бу кўрсаткичлар бюджетдан молиялаштириладиган муассасаларда бюджет интизомининг аҳволини тавсифлашда марказий ўринни эгаллаганлиги учун мамлакатимизда кейинги пайтларда уларга ҳам алоҳида кўз билан қаралаётганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин.

5. Бюджет маблағларини коммунал хизматлар ва электр энергиясига сарфлаш лимитларига риоя этилишини мунтазам равишда текшириб боришга доир кўрсаткичлар. Мамлакатимизда бозор муносабатлари қарор топаётган ва мол етказиб берувчилар ҳамда истеъмолчилар ўртасидаги тўловларга оид ўзаро ҳисоб-китоб муносабатлари ўткирлашиб турган бир пайтда бюджет интизомининг аҳволини характерлайдиган кўрсаткичлар тизимининг таркибига юқоридаги кўрсаткичларнинг киритилганлиги, бизнинг назаримизда, алоҳида аҳамият касб этиши, шубҳасиздир.

6. Ижтимоий нафақаларнинг ўз вақтида маблағ билан таъминланишини ва уларни кам таъминланган оилаларга фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари орқали берилишини назорат қилишга доир кўрсаткичлар. Бюджет интизомининг аҳволини характерловчи кўрсаткичлар сифатида бу кўрсаткичларнинг муҳим аҳамиятга эга эканлиги ва роли ҳозирги пайтда бозор иқтисодиётига ўтилиши муносабати билан Ўзбекистон шароитида, айниқса, аҳоли маълум қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларининг ўта долзарб аҳамият касб этиши билан белгиланади.

7. Инвестиция дастурларини амалга оширишга ажратиладиган давлат валюта маблағлари ва марказлаштирилган маблағлардан тўғри ва белгиланган мақсадда фойдаланилишини назорат қилишга оид кўрсаткичлар.

8. Ҳокимият ва бошқарув органлари раҳбарлари ва мансабдор шахсларнинг бюджет жараёнига асоссиз аралашуш ҳолларининг олдини олишни характерловчи кўрсаткичлар. Хусусан, маҳаллий ҳокимият органлари раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахсларнинг бюджет жараёнига асоссиз аралашуви натижасида, бюджет маблағларини бюджет параметрларида кўзда тутилмаган қурилиш, таъмирлаш ишларига, автомобиллар ва дабдабали жиҳозлар сотиб олишга ҳамда турли тадбирлар ўтказишга сарфлаб келиш ҳолатларининг содир бўлаётганлиги сир эмас.

9. Фуқароларнинг молия ва бюджет интизоминининг бузилиши ҳоллари тўғрисидаги хатлари, шикоятлари ва аризаларини кўриб чиқишни ифодаловчи кўрсаткичлар. Бу тоифага кирувчи кўрсаткичлар тизими ҳам бюджет интизомини

характерлайдиган кўрсаткичларнинг муҳимларидан бир гуруҳи саналиб, бу борада ҳам республикамизда кейинги йилларда бир қанча ишлар амалга оширилаяпти.

Юқорида баён этилганлардан кўриниб турибдики, таҳлил жараёнида ва тегишли хулосаларни чиқариш учун ҳозирги амалиётда бюджет интизомининг аҳволини характерлайдиган кўрсаткичларни, шартли равишда, 9 гуруҳга бўлиш мумкин. Гарчи бу йўналишларнинг ҳар бири бўйича кейинги йилларда талайгина ишларнинг қилинган бўлишига карамасдан, айрим ҳолларда эса бюджет интизомини янада мустақкамлаш борасида кескин чораларнинг кўрилганлигини эътироф этиш мақсадга мувофиқ бўлса-да, амалга оширилган таҳлил натижаларининг кўрсатишича, ҳамон бу йўналишда ўзининг ҳал этилишини кутаётган муаммоларнинг мавжуд эканлигини аниқлашимиз мумкин.

Бюджетдан молиялаштириладиган муассасаларда штат-смета интизомига ва бюджет маблағларини хўжалик эҳтиёжларига сарфлаш лимитларига риоя қилиш ҳолатини, тўлиқ даражада, ижобий баҳолаб бўлмайди. Бюджет маблағларини коммунал хизматлар ва электр энергиясига сарфлаш лимитларига риоя этилиши ҳолатларини ҳам худди шундай баҳолаш мумкин.

Ижтимоий нафақаларнинг ўз вақтида маблағ билан таъминланишида ва уларни кам таъминланган оилаларга фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари орқали берилишида ҳам жиддий нуқсонларга йўл қўйилаяптики, улар ҳақли равишда мамлакатимиз аҳолисининг турли эътирозларига сабаб бўлмоқда. Инвестиция дастурларини амалга оширишга ажратиладиган валюта маблағлари ва марказлаштирилган маблағлардан тўғри ва белгиланган мақсадда фойдаланишни ҳам, миллий иқтисодиёт манфаатлари нуқтаи-назаридан, давр талаблари даражасида деб бўлмайди. Ҳокимият ва бошқарув органлари раҳбарлари ва мансабдор шахсларнинг бюджет жараёнига асоссиз аралашиб ҳолларига узил-кесил чек қўйилмаган. Ва ниҳоят, фуқароларнинг молия ва бюджет интизоминининг бузилиши ҳоллари тўғрисидаги хатлари, шикоятлари ва аризалари ҳамон давом этмоқда.

Мамлакатимизда бюджет интизомини характерлайдиган кўрсаткичлар тизимига хос бўлган юқоридаги ҳолатларнинг мавжуд эканлиги ана шу йўналишда тегишли ўзгаришларнинг амалга оширилиши зарурлигини тақозо этиши, табиийдир. Ўз навбатида, буни эса бюджет назоратисиз амалга оширишнинг иложи йўқ.

Хулоса ва таклифлар

Энди юқорида баён қилинганларни умумлаштирган ҳолда энг асосий хулосалар қўйидагилардан иборат:

1) бюджет интизومي ва унинг назарий асосларини идрок этиш учун, энг аввало, бюджет, бюджет тизими ва бюджет жараёнлари тўғрисида аниқ тасаввурларга эга бўлмоқ лозим. Уларсиз бюджет интизомининг асл моҳиятини тўлиқ очиб беришнинг иложи йўқ;

2) “бюджет интизومي” тушунчасининг моҳиятини аниқлашда “интизом” бирламчи, “бюджет” эса иккиламчилик характерига эга. “Бюджет” сўзи “бюджет интизومي”нинг моҳиятини ифодалашда аниқлаштирувчи ролини ўйнайди;

3) бюджет интизومي молиявий интизомнинг таркибий қисмини ташкил этади. Шунинг учун унинг ҳаракат этиш доираси молиявий интизомнинг ҳаракат этиш доирасига нисбатан торроқдир. “Молиявий интизом” дейилганда ҳамма вақт ҳам

“бюджет интизоми” назарда тутилган бўлиши мумкин. Лекин “бюджет интизоми” дейилган пайтда ҳамма вақт ҳам молиявий интизом назарга тутилавермайди;

4) бюджет интизоми бюджет тизими, бюджет жараёнлари ва бюджет назорати орқали намоён бўлади;

5) бюджет тизими ва бюджет жараёнларида вужудга келадиган, барча босқичларда қонун, бюджет тизимининг асосий тамойиллари, бюджет тизими тўғрисидаги меъёрий ҳужжатлар, йўриқнома ва тартиблар талабларига амал қилинишининг бюджет назорати орқали ифодаланишига бюджет интизоми дейилади.

6) мамлакатимизда бюджет интизомини мустаҳкамлашнинг зарурлиги, бир томондан, бюджет даромадларини (маблағларини) шакллантириш ва иккинчи томондан эса, бюджет харажатларидан фойдаланиш масалалари билан боғлиқ. Бунда уларнинг мақсадлилиги, самаралилиги, тартиблилиги ва қонунийлигини таъминлаш алоҳида аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Эннет Э. и Джагер А. Европа в поисках бюджетной дисциплины // Финансы & развитие. 2004. № 6. С. 22. <https://www.finam.ru/dictionary/wordf00BF000021/?page=1>

2. Matteo Picchio, Raffaella Santolini. Fiscal rules and budget forecast errors of Italian municipalities. European Journal of Political Economy Volume 64, September 2020, 101921

3. Dafflon, B. (2012). Voluntary amalgamation of Local Governments: The Swiss debate in the European context. International Center for Public Policy. Working Paper Series, at AYSPS, GSU paper 1204.

4. Hou, Y. and Willoughby, K. (2010). Fiscal discipline in sub-national governments: A capacity measure of financial management in American governments. (unpublished report).

5. Inyang, W. S. (2013). The impact of overhead cost budgeting on the annual imprest expenditures of State Ministries, Departments and Agencies (MDAs): A study from Cross River State, Nigeria. International Business Research, 6(6), 129-142. <https://doi.org/10.5539/ibr.v6n6p129>

6. Rigaud, B., Arsenault, (2013). Budget governance in Canada. OECD Journal on Budgeting, 13(1), 9-30. <https://doi.org/10.1787/budget-13-5k409g59x7r8>

7. Nunuy, N. A. (2010). Akuntansi Pemerintah: Implementasi Akuntansi Keuangan Pemerintah Daerah. Kencana Prenanda Media Group

8. Хайдаров М.Т. Бюджет интизоми таъминланишининг назарий асослари. Иқтисод ва молия / Экономика и финансы. 2016, 11. 30-36 бет.